

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.17.01**  
**РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САГДИЛЛАЕВА ЗУЛЬФИЯ АСАНАЛИЕВНА**

**МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract**

**Сагдиллаева Зульфия Асаналиевна**

Молиявий таҳлил методологиясини такомиллаштириш

**Сагдиллаева Зульфия Асаналиевна**

Совершенствование методологии финансового анализа

**Sagdillaeva Zulfiya Asanalievna**

Enhancing the methodology of financial analysis

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019.И.16.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САГДИЛЛАЕВА ЗУЛЬФИЯ АСАНАЛИЕВНА**

**МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Iqt191 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** -

**Расмий оппонентлар:** **Пардаев Мамаюнус Каршибаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ибрагимов Абдугапур Каримович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Астанакулов Олим Таштемирович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_соат\_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй.

Тел.: (99871) 234-53-34. e-mail: [kutubxona@tfi.uz](mailto:kutubxona@tfi.uz)

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**Т.З. Тешабаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор

**Ж.Х. Атаниязов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, иқтисодиёт фанлари  
доктори, профессор

**И.Н. Қўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

### КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Иқтисодий муҳитнинг жадал ўзгариши, рақобатнинг кучайиши ва ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ноаниқликнинг ортиши шароитида бошқарув қарорларини асосланган ҳолда қабул қилиш воситаси сифатида молиявий таҳлилнинг аҳамияти бир неча баробар ошиб бормоқда. Замонавий муаммолар нафақат корхоналарнинг молиявий ҳолати тўғрисида ишончли маълумотларни тезкор равишда олишни, балки тармоқ, макроиқтисодий ва рақамли ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда уни чуқур таҳлилий талқин қилишни ҳам тақозо этади. Шу боис молиявий таҳлил методологиясини такомиллаштириш, унинг таҳлилий ва прогноз қийматини ошириш, рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштириш ҳамда замонавий таҳлил воситаларини молиявий оқимлар ва хатарискларни бошқариш амалиётига интеграция қилиш масаласи алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Молиявий таҳлил методологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлаштириш масалалари билан Халқаро бухгалтерлар федерацияси (IFAC), Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари жамғармаси (IFRS Foundation), Халқаро аудит стандартлари қўмитаси ва Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) каби халқаро ташкилотлар фаол шуғулланмоқдалар. Молиявий таҳлилга ягона методологик ёндашувларни жорий этиш орқали МҲХС стандартларини қўллаётган мамлакатларда корпоратив бошқарув сифатининг ошгани кузатилмоқда: хусусан, PwC тадқиқоти маълумотларига кўра, «стандартлаштирилган таҳлил усуллари жорий этган компаниялар бошқарув қарорларини қабул қилиш самарадорлигини ўртача 28% га, молиявий оқимларни башорат қилиш аниқлигини эса 34% га оширишга эришган»<sup>1</sup>. Бундан ташқари, Жаҳон банки маълумотларига кўра, «молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш инвестициявий рискларни камайитишга ҳисса қўшади, бу эса ислохотлар бошланганидан кейинги уч йил мобайнида ривожланаётган мамлакатларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими 15–20% га ошгани билан тасдиқланади»<sup>2</sup>.

Молиявий таҳлил бизнеснинг барқарорлиги ва шаффофлигини таъминлаш воситаси сифатида муҳим экани эътироф этилишига қарамай, Ўзбекистонда унинг методологияси ҳўжалик юритувчи субъектлар даражасида ҳанузгача етарлича институционаллашмаган ҳолда қолмоқда. Асосий муаммолар сифатида ягона услубий ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, молиявий таҳлил соҳасида мутахассислар тайёргарлигининг паст даражада экани, шунингдек, замонавий таҳлилий воситалар ва рақамли платформалардан чекланган фойдаланиш ҳолати қайд этилмоқда. Кўплаб корхоналар, айниқса кичик ва ўрта бизнес секторидаги субъектлар, молиявий барқарорлик, ликвидлик ва рентабелликни чуқур таҳлил қилишга ўтмасдан молиявий ҳисоботни фақат расмий таҳлил қилиш билан чекланмоқда. Бундан ташқари, ички таҳлилий инфратузилманинг

<sup>1</sup> <https://www.pwc.com/us/en/library.html> ахборот-таҳлилий сайтининг маълумотлари бўйича

<sup>2</sup> <https://data.worldbank.org/> Жаҳон банкининг маълумотлари бўйича

ривожланмаганлиги ва халқаро стандартлар билан етарлича интеграция қилинмаганлиги самарали молиявий мониторинг тизимини шакллантириш ва асосланган бошқарув қарорларини қабул қилишга тўсқинлик қилмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш» ҳисобланади<sup>3</sup>. Буларнинг барчаси молиявий таҳлил методологиясини янада такомиллаштириш зарурлигини тасдиқлайди ва ушбу диссертацион тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамиятини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги 558-III-сон «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5096-сонли, 2024 йил 14 ноябрдаги «Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-184-сонли фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Молиявий таҳлил методологиясини такомиллаштириш ишлари дунёдаги етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: World Bank (USA), International Monetary Fund (USA), Stanford University (USA), Harvard University (USA), European Commission (Belgium), University of Oxford (Great Britain), London school of Economics (Great Britain), Ludwig-Maximilians-Universitat Munchen (Germany), Swiss Federal Institute of Technology (Switzerland), National University of Singapore (Singapore), Tsinghua University (China), Australian National University (Australia), The University of Tokyo (Japan), University of Toronto (Canada), Seoul National University (South Korea) томонидан амалга оширилмоқда.

Молиявий таҳлилни баҳолаш методологияси бўйича олиб борилган хорижий тадқиқотлар асосида қатор илмий ва амалий натижаларга эришилган, жумладан: тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда компанияларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш учун бирхиллаштирилган моделлар ишлаб чиқилган (хусусан, банкротликни башорат қилиш учун Альтман модели), йирик корпорацияларнинг ERP тизимларига интеграция қилинган молиявий

---

<sup>3</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi "2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni <https://lex.uz/ru/docs/5841077>

диагностика тизимлари жорий этилган ва бу, ўз навбатида, тўловга лаёқатсизлик рискинни сезиларли даражада камайтиришга ҳамда пул оқимларини аниқроқ прогнозлашга хизмат қилган, бу эса корхоналарнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга имкон берган. Германия, АҚШ, Япония каби қатор давлатларда такомиллаштирилган таҳлил услубиятларидан фойдаланиш бошқарув қарорларининг самарадорлигини анча оширишга ва молиявий оғишларни эрта аниқлаш орқали зарар келтирувчи лойиҳалар ҳажмини қисқартиришга ёрдам берган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикасида замонавий молиявий таҳлил усулларини жорий этиш муаммоларини ўрганиш нисбатан янгилик касб этувчи илмий йўналиш ҳисобланади, шунга қарамасдан, молиявий таҳлилнинг юзага келиши ва ривожланишининг объектив асослари қатор хорижий олимлар, жумладан, Э. Хелферт, Л. А. Бернштейн, Ж. Ришар, С. Б. Барнгольц, А. Д. Шеремет, Н. Э. Бабичева, Н. П. Любушин, В. В. Ковалев, Zeynalli Elay Jalal, А. А. Егорова, Е. В. Долингер, Е. В. Зверева, М. А. Трегубов, В. Ю. Тюрина, З. И. Азиева, Е. А. Емец, А. Ю. Король, А. А. Владыкин, О. С. Чушинская каби олимларнинг илмий ишланмаларида ўз аксини топган<sup>4</sup>.

---

<sup>4</sup> Хелферт Э. Техника финансового анализа / Пер. с англ. под ред. Л.П. Белых. М.: Аудит, ЮНИТИ, 1996. - 663 с.; Bernstein, L. A. (1967). The Concept of Materiality. The Accounting Review, 42(1), P. 86-95; Ришар Ж., Алтухова Ю.В. Предложения по реформированию фундаментальных основ предприятия, акционерного общества и социального интереса посредством экологического учета (часть i) // Международный бухгалтерский учет. 2017. №22 (436). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/predlozheniya-po-reformirovaniyu-fundamentalnyh-osnov-predpriyatiya-aktsionernogo-obschestva-i-sotsialnogo-interesa-posredstvom>; Барнгольц С.Б. Оборотные средства промышленных предприятий и анализ их использования: Автореферат дисс. на соискание учен. степени доктора экон. наук / Моск. экон.-стат. ин-т. - М., 1965. - 36 с.; Шеремет А.Д. Комплексный анализ показателей устойчивого развития предприятия // Экономический анализ: теория и практика. 2014. №45 (396). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kompleksnyy-analiz-pokazateley-ustoychivogo-razvitiya-predpriyatiya>; Бабичева Н.Э., Любушин Н.П. Взаимодействие концепций и законов развития систем в экономическом анализе деятельности субъектов хозяйствования. Экономический анализ: теория и практика. 2024;23(4):604–624. DOI: 10.24891/ea.23.4.604; Любушин Н.П., Бабичева Н.Э., Галушкина А.И., Козлова Л.В. Анализ методов и моделей оценки финансовой устойчивости организаций // Экономический анализ: теория и практика. 2010. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-metodov-i-modeley-otsenki-finansovoy-ustoychivosti-organizatsiy>; Ковалев В.В. Становление неоклассической теории финансов // Вестник Санкт-Петербургского университета. Менеджмент. 2005. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/stanovlenie-neoklassicheskoy-teorii-finansov-1>; Zeynalli Elay Jalal A review of theoretical approaches to financial analysis // КЭ. 2020. №10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/a-review-of-theoretical-approaches-to-financial-analysis>; Егорова А.А. Сущность финансового состояния и его характеристики // Economics. 2016. №1 (10). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/suschnost-finansovogo-sostoyaniya-i-ego-harakteristiki>; Долингер Е.В. Обзор действующих методик анализа финансового состояния предприятия // Современные тенденции в экономике и управлении: новый взгляд. 2013. №18. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/obzor-deystvuyuschih-metodik-analiza-finansovogo-sostoyaniya-predpriyatiya>; Зверева Е.В., Трегубов М.А. Аналитический обзор взглядов ученых на содержание анализа финансово-хозяйственной деятельности предприятия // Экономика и бизнес: теория и практика. 2022. №5-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/analiticheskiy-obzor-vzglyadov-uchenyh-na-soderzhanie-analiza-finansovo-hozyaystvennoy-deyatelnosti-predpriyatiya>; Тюрина В.Ю. Сравнение отечественных методик проведения финансового анализа организации / В.Ю.Тюрина, Э.Р.Альмухаметова. - Текст: непосредственный // Молодой ученый. - 2013. - № 11 (58). - С. 477-481. - URL: <https://moluch.ru/archive/58/8156/>; Азиева З.И., Емец Е.А., Король А.Ю. Отечественный и зарубежный опыт методического обеспечения анализа финансового состояния // Вестник Академии знаний. 2020. №5 (40). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/otechestvennyy-i-zarubezhnyy-opyt-metodicheskogo-obespecheniya-analiza-finansovogo-sostoyaniya>; Владыкин А.А., Чурсина Ю.А. Финансовый анализ как инструмент эффективного управления бизнес-процессами в хозяйствующих субъектах // Вестник евразийской науки. 2014. №2 (21). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/finansovyy-analiz-kak-instrument-effektivnogo-upravleniya-biznes-protsessami-v-hozyaystvuyuschih-subektah>; Чушинская О.С., Ваганова О.Е., Ефимова С.Б., Предеус Ю.В. Методические аспекты анализа собственного капитала хозяйствующего субъекта // Промышленность: экономика, управление, технологии. 2018. №3 (72). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/metodicheskie-aspekty-analiza-sobstvennogo-kapitala-hozyaystvuyuschego-subekta>

Молиявий таҳлил методологиясининг устувор йўналишлари М.Қ. Пардаев, О.Т. Астанакулов, М. Раҳимов, Б.И. Исроилов, Б.П. Қличев, М. Калонов, И.Х. Чориев, I.S. Ochilov, М. Ҳамидуллин, Ё.С. Илҳомова, Д.Л. Уринбаева, Р.Қ. Расулова каби маҳаллий олимлар томонидан ҳам бевосита ёки билвосита тадқиқ этилган<sup>5</sup>.

Шу билан бирга, ушбу соҳада маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг қўплаб илмий ишлари мавжуд бўлишига қарамасдан, молиявий таҳлил методологиясини такомиллаштириш масалалари янада чуқурроқ ўрганишни талаб этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, “Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда замонавий молиявий таҳлил усуллари кўллаш” мавзусидаги ОТ-А2-31-сонли фундаментал лойиҳа доирасида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** хўжалик юритувчи субъектларда молиявий таҳлил методологиясини такомиллаштириш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

молиявий таҳлилнинг илмий-назарий жиҳатларини таҳлил қилиш;

комплексли иқтисодий таҳлил тизимида хўжалик юритувчи субъект фаолиятини молиявий таҳлил қилишнинг ролини аниқлаш;

хўжалик юритувчи субъект фаолиятини молиявий таҳлил қилиш бўйича хорижий тажрибани тизимлаштириш;

молиявий таҳлилни ахборот билан таъминлашни шакллантириш муаммоларини таҳлил қилиш;

хўжалик юритувчи субъектнинг капитал структураси, иш фаоллиги ва молиявий натижаларини таҳлил қилишнинг методологик масалаларини тавсифлаш;

хўжалик юритувчи субъектнинг мулкый ҳолати, иш фаоллиги ва молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш;

хўжалик юритувчи субъектнинг операцион ва молиявий фаолияти самарадорлигини баҳолаш;

---

<sup>5</sup> Пардаев М.Қ., Астанакулов О.Т. Функционал қиймат таҳлилини такомиллаштириш йўналишлари. Монография. – Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2025. – 292 б.; Раҳимов М. Молиявий ҳолат ва унинг қиёсий таҳлили: маҳаллий ва хорижий тажриба // «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 й.; Қличев Б.П. Совершенствование анализа операционной деятельности хозяйствующих субъектов // Автореферат диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам. Ташкент -2024 г. – 62 с.; Калонов М. (2020). Улучшение анализа финансовых результатов. Экономика и Образование, 1(1), 70-76. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4223](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4223); Чориев И.Х. Совершенствование аналитических процедур в аудиторской деятельности // Автореферат диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам. Ташкент -2021 г. – 60 с.; Ochilov I.S. Agroklastlarlar faoliyati samaradorligi tahlili metodologiyasini takomillashtirish // Iqtisodiyot fanlari doktori (Doctor of Science) dissertatsiyasi avtoreferati. Toshkent shahri – 2024 yil. – 36 b.; Ҳамидуллин М.Б. Повышение эффективности финансовых инструментов в обеспечении стабильного роста национальной экономики// Коллективная монография. - Т.: Ташкентский филиал РЭУ имени Г.В. Плеханова, 2016. - 306 с.; Илҳомова Ё.С., Уринбаева Д.Л., Расулова Р.Қ. Что такое финансовый анализ? // Экономика и социум. 2018. №11 (54). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/что-такое-финансовый-анализ>

хўжалик юритувчи субъект фаолиятини молиявий таҳлил қилиш методологиясини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Тадқиқотнинг объекти бозор иқтисодиёти шароитида молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошираётган турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети.** Тадқиқот предметини молиявий таҳлилни амалга оширишнинг назарий-методологик ва амалий жиҳатлари, жумладан, корхоналарнинг молиявий ҳолати ва фаолияти самарадорлигини баҳолаш усуллари, ёндашувлари ва воситалари, шунингдек, замонавий иқтисодий шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда уларни такомиллаштириш йўналишлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида ретроспектив таҳлил, тизимли ёндашув, график интерпретация, иқтисодий-статистик таҳлил, жумладан, динамика, таркибий ва омилли таҳлил усуллари, молиявий таҳлил усуллари – коэффицентли, қиёсий, вертикал ва горизонтал таҳлил, молиявий кўрсаткичларни иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогноз қилиш, экспертлар баҳоси, самарадорликни ошириш имкониятлари ва муаммоларини аниқлаш учун иқтисодий диагностика усуллари каби усуллар қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

корхона ҳисоб сиёсатини концептуал жиҳатдан кенгайтириш мақсадида унинг таркибига ижтимоий, экологик, бошқарув ва иқтисодий ҳисоботларни ўз ичига олувчи «Комплекс номолиявий ҳисобот» номли махсус шаклни киритиш орқали молиявий таҳлилнинг ахборот таъминоти такомиллаштирилган;

корхона фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимида ESG мезонлари асосида экологик, ижтимоий ва бошқарув кўрсаткичларини киритиш орқали хўжалик юритувчи субъектнинг барқарорлиги ва натижадорлигини комплекс баҳолашга хизмат қиладиган ягона таҳлилий моделга интеграция қилиш имконини берувчи услубиёт ишлаб чиқилган;

хусусий капитал натижадорлигига асосий ва молиявий фаолиятлар таъсирини тўғри баҳолаш мақсадида корхона операцион рентабеллиги, активлар самарадорлиги ва молиявий левежи омиллари ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи хусусий капитал таҳлилининг уч омилли модели ишлаб чиқилган;

молиявий коэффицентлар ва сифат кўрсаткичларини киритган ҳолда корхона молиявий ҳолатини баҳоловчи интеграл кўрсаткичи шкаласидан келиб чиқиб 0-0,3 “банкротлик rischi”, 0,3-0,5 “хавотирли молиявий ҳолат”, 0,5-0,75 “турғун молиявий ҳолат”, 0,75-1 “молиявий барқарор” гуруҳларга таснифлаган ҳолда корхона молиявий барқарорлиги рейтинги услубиёти такомиллаштирилган;

ўзгарувчан иқтисодиёт шароитида корхоналарнинг юқори даражадаги шаффофлиги, бошқарувчанлиги ва мослашувчанлигини таъминлаш мақсадида миқдор ва сифат, молиявий ва номолиявий кўрсаткичларига қўшимча бошқарув, стратегик мақсадларни акс эттирувчи ҳамда ESGга мўлжалланган

кўрсаткичларни киритиш орқали корхона барқарор ривожланишини баҳолаш услубиёти таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистондаги миллий қонунчилик ва бухгалтерия ҳисоби юритиш амалиёти хусусиятларини инобатга олган ҳолда мослаштирилган комплекс молиявий таҳлил услубияти ишлаб чиқилди;

корхоналарнинг молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти ва иш фаоллигини таҳлил қилиш бўйича асосий рискларни аниқлаш ва асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини берадиган, бирхиллаштирилган алгоритм шакллантирилди;

турли тармоқлардаги корхоналар ўртасида қиёсий таҳлил ўтказиш имконини берадиган интеграл кўрсаткичлар асосида молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш тизими жорий этилди;

хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллар аниқланди;

молиявий таҳлил жараёнларига рақамли ечимларни жорий этиш бўйича тавсиялар, жумладан, махсус дастурий таъминот ва бизнес-таҳлил (BI-технологиялари)дан фойдаланиш орқали ишлаб чиқилди;

таклиф этилган услубиятнинг бир қатор корхоналарда амалиётда синаб кўрилгани унинг маҳаллий иқтисодиёт шароитида қўллашга яроқли ва самарали эканини тасдиқлади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотнинг ишончлилиги хорижий ва маҳаллий иқтисодчилар ва амалиётчиларнинг илмий-назарий ёндашувларини қиёсий-танқидий таҳлил қилишнинг амалий натижалари, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, муаллифлик тадқиқотлари натижалари ва хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий ҳисоботлари асосида ушбу соҳадаги мутахассисларнинг ижобий баҳолари, статистик маълумотлар, шунингдек, «Ўздонмахсулотлари» АК томонидан тегишли хулоса ва тавсияларнинг жорий қилиниши билан тасдиқланади

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан молиявий таҳлил методологиясини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги, рентабеллиги, ликвидлиги ва иш фаоллигини оширишга бағишланган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг давомида олинган асосий натижалар ва услубий қоидалардан тадбиркорлик субъектларини молиявий таҳлилини ўтказиш бўйича чора-тадбирларни, давлат молиявий сиёсатини амалга оширишнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқишда, шунингдек тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Таклиф этилган методология молиявий таҳлилнинг мақсадлари ва устуворликларини аниқлаш учун мос келадиган аппаратни, шунингдек уларга эришиш стратегиясини ўз ичига олади. Ушбу ишда таклиф этилган молиявий таҳлил тамойилларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин. Шу билан бирга, тадқиқот

натижаларидан олий таълим тизими учун дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Молиявий таҳлил методологиясини ишлаб чиқиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

корхона ҳисоб сиёсатига тўртта таркибий қисм: ижтимоий, экологик, бошқарув ва иқтисодий ҳисоботларни қамраб оладиган «Номолиявий ҳисобот (комплексли/интеграциялашган ҳисобот)» деб номланган ихтисослаштирилган бўлимни киритиш орқали уни концептуал равишда кенгайтириш таклифи “Шўрчидонмахсулотлари” акциядорлик компанияси фаолиятида ўз аксини топди ва қўлланилди («Шўрчидонмахсулотлари» АК 2024 йил 4 октябрдаги 69-сон маълумотномаси; «УЗДОНМАХСУЛОТ» АК “СУРХОНДАРЁДОН МАҲСУЛОТЛАРИ” АЖ 01-20/472-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2025 йил 12 июндаги 06-12-01-сон маълумотномаси; Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси 2025 йил 23 июндаги 22-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши ҳисоб тизимида номолиявий параметрларни расмийлаштиришни таъминлади ҳамда молиявий ва номолиявий маълумотларнинг ягона таҳлилий маконга интеграциясни осонлаштирди;

корхона фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими экологик, ижтимоий ва бошқарув аспектларини қамраб олувчи ESG-йўналтирилган мезонлар асосида такомиллаштирилди. («Шўрчидонмахсулотлари» АК 2024 йил 4 октябрдаги 69-сон маълумотномаси; «УЗДОНМАХСУЛОТ» АК “СУРХОНДАРЁДОН МАҲСУЛОТЛАРИ” АЖ 01-20/472-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2025 йил 12 июндаги 06-12-01-сон маълумотномаси; Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси 2025 йил 23 июндаги 22-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши молиявий таҳлилни барқарор ривожланиш талабларига ва номолиявий ҳисобот беришнинг халқаро амалиётига мослаштириш, «Шўрчидонмахсулотлари» АЖнинг ликвидлигини 8,1 фоизга ошириш ва таннархнинг ялпи тушумдаги улушини 6,6 фоизга камайтириш ҳисобига самарадорлигини ошириш имконини берди;

корхонанинг молиявий барқарорлигини рейтингли баҳолаш бўйича коэффицентли ва сифат таҳлилини ҳисобга олган ҳолда интеграл таснифлаш шкаласига асосланадиган услубий ёндашув ишлаб чиқилди. («Шўрчидонмахсулотлари» АК 2024 йил 4 октябрдаги 69-сон маълумотномаси; «УЗДОНМАХСУЛОТ» АК “СУРХОНДАРЁДОН МАҲСУЛОТЛАРИ” АЖ 01-20/472-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2025 йил 12 июндаги 06-12-01-сон маълумотномаси; Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси 2025 йил 23 июндаги 22-сон маълумотномаси). Таклиф этилаётган рейтинг тизими ташқи ва ички муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда корхонанинг молиявий барқарорлик даражасини аниқроқ акс эттиришга имкон беради;

мулк капитали рентабеллигини таҳлил қилишнинг операцион рентабеллик, активлардан фойдаланиш самарадорлиги ва молиявий леверидж омилларини ўз ичига оладиган уч омилли модели ишлаб чиқилди. («Шўрчидонмахсулотлари»

АК 2024 йил 4 октябрдаги 69-сон маълумотномаси; «УЗДОНМАХСУЛОТ» АК «СУРХОНДАРЁДОН МАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ 01-20/472-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2025 йил 12 июндаги 06-12-01-сон маълумотномаси; Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси 2025 йил 23 июндаги 22-сон маълумотномаси). Анъанавий ёндашувдан фарқли ўлароқ, таклиф этилаётган модель нафақат даражани, балки бошқарув қарорларининг талилий таркибий қисмини кучайтирадиган рентабелликни шакллантириш манбаларини ҳам аниқлашга имкон беради;

корхонанинг барқарор ривожланишини комплексли баҳолашнинг микдорий (молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар) ҳамда сифат параметрларини (бошқарув, стратегик ва ESG-йўналтирилган баҳолар) интеграциялайдиган алгоритми шакллантирилди. («Шўрчидонмахсулотлари» АК 2024 йил 4 октябрдаги 69-сон маълумотномаси; «УЗДОНМАХСУЛОТ» АК «СУРХОНДАРЁДОН МАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ 01-20/472-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2025 йил 12 июндаги 06-12-01-сон маълумотномаси; Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси 2025 йил 23 июндаги 22-сон маълумотномаси). Ушбу алгоритмдан фойдаланиш ҳозирги барқарорлик даражасини тизимли ташхислашни таъминлади ва узоқ муддатли истиқболда стратегик мониторинг учун асос яратди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 2 та республика ва 11 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, 1 та дарслик, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган маҳаллий журналларда 4 та, нуфузли хорижий журналларда 6 та мақола, шунингдек, халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда 13 та маъруза тезислари нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 203 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти, предмети ва усулларига тавсиф берилган, тадқиқотнинг асосий усуллари санаб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларининг

апробасияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Молиявий таҳлилнинг илмий-назарий ва концептуал асослари**» деб номланган бўлиб, унда молиявий таҳлилнинг илмий-назарий жиҳатлари асосланган, хўжалик юритувчи субъект фаолиятини молиявий таҳлилнинг интеграциялашган иқтисодий таҳлил тизимидаги ўрни аниқланган ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятини молиявий таҳлил қилиш бўйича хорижий тажрибалар тавсифланган.

Ишда молиявий таҳлилнинг моҳияти ва аҳамиятига оид ретроспектив таҳлил ўтказилди, унинг корхонанинг молиявий ҳолатини холис баҳолаш, ички захираларни аниқлаш ҳамда бошқарув қарорларини асослаш имконини берадиган корхона бошқаруви тизимидаги асосий тоифалардан бири сифатидаги ўрни кўрсатилди. Муаллиф мамлакатимиз амалиётида молиявий таҳлил самарадорлигини ошириш учун миллий иқтисодиётнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда энг яхши халқаро тажрибаларни ўрганиш ва мослаштириш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келади (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Молиявий таҳлил методологияларининг қиёсий жадвали<sup>6</sup>

Мамлакат	Методологик асослар	Асосий хусусиятлар	Рақамлаштириш даражаси
АҚШ	ГААР тамойиллари, шаффофликка урғу, ҳисоботни стандартлаштириш, адолатли қийматни баҳолаш (ASC 820)	Коэффициентли таҳлилни кенг қўламда қўллаш, барқарорликни прогноз қилиш, молиявий таҳлилни рақамлаштириш	Юқори даражада – ВІ тизимлари, булутли ечимлар ва молиявий моделлардан фойдаланиш
Германия	Контроллинг, узоқ муддатли режалаштириш, вақт қаторларига мавсумий тузатиш киритиш (Берлин процедураси)	Капитал структураси ва ликвидликни таҳлил қилиш, таҳлил жараёнларининг юқори даражада техниклаштирилиши, рискларни минималлаштиришга йўналтирилганлик	Ўртача даражада – SAP, Oracle доирасида ахборот технологиялари воситаларидан қисман фойдаланиш
Япония	Корпоратив фалсафа билан интеграция, номолиявий кўрсаткичларга урғу бериш, прогноз моделлари (масалан, SAF2002)	Инсон капитали ва инновацияларни ҳисобга олиш, прогнозлашда сунъий интеллектдан фойдаланиш, таҳлилнинг стратегик йўналтирилганлиги	Ўртача даражада – бошқарув платформалари билан интеграциялашувга йўналтирилганлик

Муаллиф асосий муаммолардан бири мутахассисларни фақат молиявий таҳлил методологияси бўйича эмас, балки ушбу таҳлил асосланадиган ахборот ресурслари бўйича ҳам чуқур тайёрлаш зарурлигида, деган хулосага келади (2-жадвал).

<sup>6</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси.

**Молиявий таҳлил вазифаларини тўлиқ ҳажмда бажариш учун зарур бўлган шартлар <sup>7</sup>**

<b>Шарт</b>	<b>Шартнинг мазмуни</b>
Бухгалтерия маълумотларини фарқлаш	Бухгалтерия ҳисобида маълумотларнинг устувор фарқланишини тушуниш, шунингдек, маълумотлар шакллантириладиган амалий бухгалтерия қоидаларини билиш
Молиявий таҳлил усулларини тўғри қўллаш	Тўғри усулни танлаш ва таҳлилнинг аниқ турини аниқлаш кўникмаси баҳолаш натижаларининг мақсадга мувофиқ ва қўйилган вазифаларни ҳал этишда фойдали бўлишини кафолатлайди
Таҳлилнинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб берадиган аниқ дастур ёки режанинг мавжудлиги	Молиявий таҳлилнинг аниқ мақсади амалга ошириш жараёни билан боғланган бўлиши ва муайян натижаларга эришишга қаратилган бўлиши керак.
Молиявий таҳлил жараёнида қўлланиладиган таҳлилий воситаларни тушуниш, шунингдек, уларнинг олинаётган натижаларнинг ишончлилигига таъсирини ҳисобга олиш.	Таҳлилчининг малакалиги белгиланган мақсад ва маълумотлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, аниқ масалани ҳал этиш учун энг самарали бўлган усул ва воситаларни тўғри танлашда намоён бўлади.
Таҳлил жараёнида меҳнат харажатларини оптималлаштириш	Таҳлилий ишларга сарфланадиган харажатларни минималлаштириш, бир вақтнинг ўзида ҳисоб-китоблар аниқлигининг зарур даражасини ва натижаларнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлаш муҳимдир.

Мавжуд молиявий таҳлил методологиясини умумлаштириш молиявий таҳлилнинг назарий асоси бухгалтерия ҳисоби, корхона иқтисодиёти, молиявий менежмент ва статистика каби фан соҳалари кесишувида шаклланган деган хулоса чиқариш имконини берди. Унинг илмий моҳияти – хўжалик юритувчи субъектнинг жорий ҳолатини баҳолаш, молиявий барқарорлигини прогнозлаш ва ошириш мақсадида молиявий кўрсаткичлар билан хўжалик фаолияти натижалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни тизимли ўрганишдан иборат.

Диссертациянинг «**Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий таҳлилинини ўтказиш методологияси**» деб номланган иккинчи бобида молиявий таҳлил учун ахборот таъминотини шакллантиришдаги муаммолар аниқланган, хўжалик юритувчи субъект капитали таҳлиliga доир методологик масалалар тавсифланган, хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари самарадорлиги ва айланма маблағлар айланувчанлиги баҳоланган, шунингдек, унинг молиявий натижалари ва молиявий барқарорлиги таҳлил этилган.

Молиявий таҳлил жараёнида таҳлилий базани шакллантирадиган маълумотларнинг сифати ва очиқлиги асосий аҳамиятга эга. Бироқ, амалиётда корхоналар таҳлил фаолияти самарадорлигини сезиларли даражада пасайтирадиган қатор муаммоларга дуч келмоқда (3-жадвал).

<sup>7</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси.

**Молиявий таҳлилнинг ахборот таъминотидаги муаммоларни  
баргараф этиш бўйича тавсиялар<sup>8</sup>**

Муаммо	Муаммонинг моҳияти	Тавсиялар
Бухгалтерия ҳисоботининг чекланганлиги	Ҳисобот тузишдаги расмий ёндашув операцияларнинг ҳақиқий иқтисодий моҳиятини акс эттирмайди.	Ҳисоботни бошқарув кўрсаткичлари ва изоҳловчи таҳлилий маълумотларини қўшган ҳолда модернизация қилиш
Маълумотларни тақдим этишдаги вақтинча кечикишлар	Иқтисодий ҳодиса ва унинг ҳисоботда акс эттирилиши ўртасидаги сезиларли фарқ	Автоматлаштирилган ҳисоб тизимлари ва реал вақт режимида тезкор ҳисобот бериш технологияларини жорий этиш
Маълумотларни консолидация қилишдаги муаммолар	Турли бўлинмалардан олинadиган маълумотларни бирлаштиришдаги қийинчиликлар таҳлил аниқлигини пасайтиради	Консолидациянинг корпоратив стандартларини ишлаб чиқиш ва ягона рақамли ҳисоб платформасини жорий этиш
Ходимларнинг малакаси етарли эмаслиги	Ходимларнинг етарлича тайёргарлиги йўқлиги маълумотларни шакллантириш ва талқин қилишда бузиб кўрсатишларга олиб келади	Таҳлил ва ҳисоб соҳасида доимий ўқув дастурлари ва сертификатлаштириш тизимини ташкил этиш
Ҳисоб сиёсатининг хилма-хиллиги	Операцияларни акс эттиришда ягона ёндашувнинг йўқлиги турли корхоналар маълумотларини таққослашни қийинлаштиради.	Ҳисоб сиёсатини тармоқ ва халқаро стандартлардан келиб чиқиб уйғунлаштириш
Ахборот юқининг ортиқчалиги	Филтрлашсиз маълумотларнинг керагидан ортиқча кўплиги таҳлилий фаолият самарадорлигини пасайтиради	Маълумотлар аҳамиятлилигини аниқлаш филтрларини ишлаб чиқиш ва таҳлилий панелларни жорий этиш
IT тизимлари мос келмаслиги	Тарқоқ ҳисоб дастурлари ягона ахборот базасини шакллантиришни қийинлаштиради	Тизимлар ўртасида интеграцияни қўллаб-қувватловчи бирхиллаштирилган рақамли ечимларга ўтиш


Тадқиқот доирасида инновацион ечим – хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатига тўртта асосий таркибий қисм: ижтимоий, экологик, бошқарув ва иқтисодий ҳисоботлар бўйича структураланган алоҳида «Номолиявий ҳисобот (комплексли ёки интеграциялашган ҳисобот)» бўлимини киритиш асослаб берилди ва тақлиф этилди. Мазкур ёндашувнинг янгилиги, энг аввало, корхонанинг фаолиятидаги молиявий ва номолиявий жиҳатларни ягона ҳисоб-ҳисобот тизими доирасида методологик жиҳатдан интеграция қилишдан иборат. Анъанавий ёндашувдан фарқли равишда, унда номолиявий маълумотлар тарқоқ ҳолда ва кўпинча расмий ҳисоб сиёсати доирасидан ташқарида тақдим этилса, тақлиф этилаётган формат ушбу ҳисобот жараёнларини расмийлаштиришни, уларни корхонанинг ҳисоб сиёсати даражасида мустаҳкамлашни ва ташқи ҳамда ички

<sup>8</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси.

фойдаланувчилар учун маълумот ошкор этишнинг ягона мантикий тизимини таъминлашни назарда тутади.

Хўжалик юритувчи субъектда молиявий таҳлил амалга ошириш методологияси капитални таҳлил қилиш, асосий воситалар самарадорлигини ва айланма маблағлар айланувчанлигини баҳолаш, фаолият молиявий натижаларини ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш масалаларини қамраб олади.

Тижорат ташкилотларининг ўз капитали бўйича тадқиқотларга оид замонавий методологик ёндашувлар таҳлили шуни тасдиқлайдики, асосий эътибор капиталнинг шаклланиш жараёнлари, унинг структураси ва динамик ўзгарувчан иқтисодий муҳитда корхонанинг тактик мақсадларига эришиш доирасида фойдаланишга оид кўрсаткичларга қаратилади. Ҳозирги молиявий-иқтисодий амалиёт шундан далолат берадики, ўз капитали билан самарали бошқарув молиявий барқарорликни, инвестициявий жозибадорликни ва корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг энг муҳим шартига айланмоқда (1-расм).



**1-расм. Тижорат ташкилотлари капиталини таҳлил қилишга асосий методологик ёндашувлар<sup>9</sup>**

Молиявий таҳлилнинг илмий-методологик асосларини таҳлил қилиш натижасида муаллиф молиявий натижаларни таҳлил қилишда фақатгина анъанавий даромад ва харажатларни таққослаш усулини эмас, балки бу жараённи кенгроқ концептуал асосда кўриб чиқиш зарур, деган хулосага келади. Бундай ёндашув корхонанинг соф фойдасини унинг иқтисодий барқарорлиги ва ўз капиталининг ўсиш кўрсаткичи сифатида баҳолашни ўз ичига олади. Бу ёндашув Халқаро молиявий ҳисобот стандартларида белгиланган тамойиллар билан тўлиқ мос келади. Бироқ, амалиётда, хусусан Ўзбекистон Республикаси шароитида ушбу талабларни амалга оширишда муайян услубий ва институционал қийинчиликлар кузатилмоқда. Бундай муаммолар қаторида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: иқтисодий фойда эҳтимолини

<sup>9</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси.

баҳолаш бўйича самарали механизмнинг мавжуд эмаслиги, ҳисобот фойдаланувчиларининг маълумотларни касбий талқин этиш бўйича етарлича тайёрланмаганлиги, шунингдек даромадларни тўғри эътироф этишга тўсқинлик қилувчи субъектив омилларнинг мавжудлиги.

Умуман олганда, тадқиқот шуни тасдиқладики, анъанавий молиявий таҳлил усуллари замонавий шароитларда комплексли ташхисга йўналтирилган модернизацияни талаб этади. Бу ташхис таркибида стратегик, рискларга йўналтирилган ва хулқ-атворий таҳлил элементлари бўлиши лозим. Турли молиявий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни талқин қилишга асосланган тизимли ёндашув хўжалик юритувчи субъектнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболларини аниқ ва мақсадга мувофиқ баҳолаш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, ўзгариб бораётган иқтисодиёт шароитида корхонанинг молиявий барқарорлиги ва фаолияти самарадорлигини бошқариш бўйича мослашувчан моделни шакллантириш учун асос яратади.

#### 4-жадвал

#### Номолиявий ҳисоботни ҳисоб сиёсатига интеграция қилишга инновацион ёндашув<sup>10</sup>

Таркибий қисм	Мазмуни	Илмий янгилик
Ижтимоий ҳисобот	Меҳнат ресурслари, ижтимоий масъулият даражаси, корпоратив ижтимоий масъулият (КИМ) дастурлари ва ходимлар ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотлар	Бошқарув ҳисоби доирасида бирхиллаштирилган кўрсаткичлар билан тизимли ҳисоботни шакллантириш
Экологик ҳисобот	Атроф-муҳитга таъсир даражаси, ресурслардан фойдаланиш, чиқиндилар даражаси, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари	Барқарор ривожланиш ва инвестицион жозибадорлик элементи сифатида экологик омилларни ҳисобга олиш
Бошқарув ҳисоботи	Корпоратив бошқарув, ички назорат, стратегик режалаштириш ва бошқарув рисклари тўғрисидаги маълумотлар.	Ҳисоб сиёсати доирасида бошқарув қарорларини таҳлилий қўллаб-қувватлаш ва очиклик
Иқтисодий ҳисобот	Макро ва микроиқтисодий шароитлар, инфляция таъсири, валюта рисклари, рақобат муҳити.	Стратегик жойлаштишни белгилашда ички ҳисоб ва ташқи иқтисодий тенденциялар ўртасидаги боғлиқлик

Ҳозирги шароитда корпоратив ҳисоботни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири - номолиявий кўрсаткичларни бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил тизимига интеграция қилиш ҳисобланади. Тадқиқот доирасида инновацион ечим – хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатига тўртта асосий таркибий қисм: ижтимоий, экологик, бошқарув ва иқтисодий ҳисоботлар бўйича структураланган алоҳида «Номолиявий ҳисобот (комплексли ёки интеграциялашган ҳисобот)» бўлимини киритиш асослаб берилди ва таклиф этилди (биринчи илмий янгилик).

Корхонанинг ҳисоб сиёсатидаги «Номолиявий ҳисобот» бўлими учун таклиф этилган тузилма ҳам мазмун, ҳам номолиявий кўрсаткичларни расмийлаштиришга ёндашув нуқтаи назаридан инновацион ҳисобланади, бу эса корпоратив ҳисоботнинг шаффофлиги, ишончлилиги ва тўлиқлигини оширади. Шу билан бирга, ушбу ёндашув маълумотлардан фойдаланувчи манфаатдор

<sup>10</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси.

томонлар – инвесторлар, контрагентлар, регуляторлар ва жамоатчиликнинг ишончини кучайтиради, корпоратив бошқарувнинг барқарорлиги ва стратегик йўналтирилганлигини мустаҳкамлайди.

Корхонанинг молиявий барқарорлиги турини аниқлаш унинг умумий ҳолатини диагностика қилишда муҳим босқич ҳисобланади. Бироқ, ҳолатни тўлиқ баҳолаш учун барқарор ривожланишнинг қўшимча омилларини ҳам инобатга олиш зарур. Ҳозирги шароитда эътибор экологик масъулият, ижтимоий аҳамият ва корпоратив бошқарув сифатини акс эттирувчи номолиявий мезонлар интеграциясига тобора кўпроқ қаратилаяпти. Шу сабабли анъанавий молиявий таҳлилни ESG-йўналтирилган ёндашувга асосланган кўрсаткичлар тизими билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи илмий янгилик сифатида муаллиф экологик, ижтимоий ва бошқарув жиҳатларини қамраб олувчи ESG-га йўналтирилган мезонларга асосланган корхона самарадорлигини баҳолаш учун такомиллаштирилган кўрсаткичлар тизимини таклиф этган. ESG мезонлари асосида корхона фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимининг илмий янгилиги шундаки, у экологик, ижтимоий ва бошқарув кўрсаткичларини ягона таҳлилий моделга интеграция қилиб, хўжалик юритувчи субъектнинг барқарорлиги ва фаолият самарадорлигини комплекс равишда баҳолаш имконини беради. Асосан молиявий кўрсаткичларга эътибор қаратиладиган анъанавий усуллардан фарқли ўлароқ, таклиф этилаётган ёндашув экологик масъулият даражасини, корпоратив бошқарувнинг ижтимоий таъсири ва сифатини акс эттирувчи номолиявий параметрларни киритиш орқали баҳолаш уфқларини кенгайтиради.

## 5-жадвал

### ESG мезонлари асосида корхона фаолияти самарадорлигини баҳолаш модели<sup>11</sup>


Экологик жиҳат (E)	Ижтимоий жиҳат (S)	Бошқарув жиҳат (G)
-иссиқхона газлари чиқиндиси даражаси -ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлиги -чиқиндилар ва сув ресурсларини бошқариш	-меҳнат шароити ва соғлиқни сақлаш -тенг имкониятлар сиёсати -ходимларнинг жалб этилиш даражаси ва ижтимоий дастурлар	-бошқарув структураси -қарор қабул қилиш жараёнлари шаффофлиги -коррупцияга қарши сиёсат ва риск-менежмент

ESG мезонлари асосида корхона фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими корхона ҳолати ҳақида фақат тўлиқроқ тасаввурни берибгина қолмай, балки барқарор ривожланишнинг глобал тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда унинг узок муддатли барқарорлигини прогноз қилишга имкон ҳам яратади. Ушбу воситанинг жорий этилиши корхонанинг инвестицион жозибадорлигини оширишга, манфаатдор томонлар билан ўзаро алоқаларни яхшилашга ва халқаро ESG ҳисобот стандартларига мос келувчи стратегик йўналишларни шакллантиришга хизмат қилади.

Учинчи илмий янгилик сифатида муаллиф инвестиция қилинган капитал бўйича фойдани шакллантириш манбаларини янада чуқурроқ баҳолаш

<sup>11</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси.

имконини берадиган такомиллаштирилган таҳлилий воситани ифодаладиган ўз капитали рентабеллигини таҳлил қилишнинг ишлаб чиқилган уч омилли моделини таклиф этган (2-расм). Анъанавий ёндашувлардан фарқли ўлароқ, модель учта асосий омилни ўз ичига олади: корхонанинг асосий фаолиятидан фойда олиш қобилятини акс эттирувчи операцион рентабеллик; мавжуд ресурсларнинг рентабеллик даражасини тавсифловчи активлардан фойдаланиш самарадорлиги; шунингдек, қарз капиталидан фойдаланиш даражасини ва унинг ўз капиталининг рентабеллигига таъсирини ҳисобга олишга имкон берадиган молиявий леверижнинг таъсири.



**2-расм. Ўз капитали рентабеллигини таҳлил қилиш модели<sup>12</sup>**

Ушбу моделнинг илмий-амалий аҳамияти шундаки, у корхонанинг молиявий самарадорлигини комплекс тарзда диагностика қилиш ҳамда бошқарув, ишлаб чиқариш ва молиявий қарорлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ички мантиқини аниқлаш имконини беради. Моделни таҳлилий амалиётга жорий этиш ўсиш нукталарини ва бошқарув захираларини аниқроқ белгилашга хизмат қилади, бу эса иқтисодий турбулентлик ва инвестицион жозибadorликни ошириш зарурати шароитида алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Диссертациянинг «**Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий таҳлили («Ўздонмахсулот» АК мисолида)**» деб номланган учинчи бобида хўжалик юритувчи субъектнинг мулкый ҳолати, иш фаоллиги ва молиявий барқарорлиги таҳлил қилинди, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг операцион ва молиявий фаолияти самарадорлиги баҳоланди.

Тадқиқот шуни кўрсатадики, монографик тадқиқот объекти сифатида танланган “Шўрчидонмахсулотлари” АКнинг молиявий ҳолати сўнгги етти йил мобайнида асосий ва номоддий активлардан фойдаланишдаги беқарорлик билан тавсифланади, бу эса ишлаб чиқариш базаси ва интеллектуал капитални янгилашга

<sup>12</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси.

қаратилган инвестицион фаолликнинг паст даражада эканини акс эттиради (3-расм).



**3-расм. «Шўрчидонмахсулотлари» АҚнинг 2019–2024 йиллардаги асосий воситалар структураси, %<sup>13</sup>**

Фондларнинг эскириши ва номоддий активларнинг тўлиқ амортизацияси рақобатбардошликни йўқотиш rischi ҳамда барқарор ривожланиш салоҳиятининг пасайишига ишора қилади. Шу билан бирга, узоқ муддатли инвестицияларнинг қарам жамиятларга йўналтирилиши консерватив инвестиция стратегияси ва ички вертикал интеграцияланган моделга йўналтирилганликни тасдиқлайди (4-расм).




**4-расм. «Шўрчидонмахсулотлари» АҚнинг 2019–2024 йиллардаги узоқ муддатли молиявий қўйилмалар структураси, %<sup>14</sup>**

Қисқа муддатли мажбуриятлар устуворлиги ва ўз маблағлари улушининг камайиши корхонанинг айланма капиталга ортиқча юк тушиши хавфи ҳамда қарз сиёсатини қайта кўриб чиқиш зарурлигидан далолат беради. Шу муносабат билан, корхона учун инвестициявий стратегияни диверсификация қилишни кучайтириш ва асосий ҳамда номоддий активларни янгилашни фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир (5-расм).


<sup>13</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси. Манба: <https://shurchidon.uz/>

<sup>14</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси. Манба: <https://shurchidon.uz/>



**5-расм. “Шўрчидонмахсулотлари” АКнинг 2019–2024 йиллардаги пассивлар структураси, %<sup>15</sup>**

Корхонанинг молиявий структураси қисқа муддатли мажбуриятларга юқори даражада боғлиқ эканини намоён этмоқда (6-расм), бу эса бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар шароитида ташқи ва ички «шок»ларга нисбатан сезгирликни оширади. Айрим йилларда ўз капиталини мустаҳкамлашга уринишлар кузатилганига қарамай, сўнгги даврларда қарз маблағлари улушининг ўсиши молиялаштириш манбаларининг барқарор эмаслигидан далолат беради. Бундай пассивлар структураси айланма активлар улушининг юқорилиги шароитида маълум даражадаги мослашувчанликни таъминласа-да, молиявий оқимларни мувозанатли бошқариш ва узоқ муддатли барқарорликни мустаҳкамлаш томон йўналтирилган тизимли қайта кўриб чиқишни тақозо этади.



**6-расм. “Шўрчидонмахсулотлари” АКнинг 2019–2024 йиллардаги мажбуриятлар структураси ва динамикаси, %<sup>16</sup>**

“Шўрчидонмахсулотлари” АКнинг иш фаоллиги кўрсаткичлари таҳлили корхона активларидан фойдаланиш самарадорлигининг пасайиш тенденциясини аниқлаш имконини берди (6-жадвал).

<sup>15</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси. Манба: <https://shurchidon.uz/>

<sup>16</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси. Манба: <https://shurchidon.uz/>

**6-жадвал****“Шўрчидонмахсулотлари” АКнинг 2019–2024 йиллардаги иш  
фаоллиги кўрсаткичлари<sup>17</sup>**

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Активлар айланувчанлик коэффиценти	0,908	0,973	1,014	1,160	0,690	0,853
Айланма маблағлар айланувчанлик коэффиценти	1,073	0,924	1,555	1,058	0,809	0,968
Дебиторлик қарзлари айланувчанлик коэффиценти	4,637	3,589	8,929	5,851	3,720	4,558
Кредиторлик қарзлари (мажбуриятлар) айланувчанлик коэффиценти	1,247	1,146	1,959	1,499	0,849	1,009
Моддий захиралар айланувчанлик коэффиценти	1,562	1,374	2,438	1,338	1,061	1,261
Асосий воситалар айланувчанлик коэффиценти (фонд қайтими)	5,893	7,031	4,945	6,981	6,004	6,524
Ўз капитали айланувчанлик коэффиценти	3,335	2,840	2,985	2,372	4,457	5,127

Ҳам умумий, ҳам айланма маблағлари айланувчанлигининг секинлашиши операцион фаолият интенсивлиги пасайганини кўрсатади. Айниқса, дебиторлик қарзлари айланувчанлик коэффиценти тушиши хавотирли ҳолат бўлиб, бу кредит рискларининг ошгани ва ликвидлик даражасининг пасайганидан далолат беради.

Корхонанинг ликвидлик кўрсаткичлари ҳам салбий динамикани намоён этмоқда (7-жадвал). 2024 йилда жорий ликвидлик коэффиценти 1 дан паст даражага тушди, тез ва мутлақ ликвидлик кўрсаткичлари эса меъёрга нисбатан анча паст даражада сақланиб қолмоқда. Бу эса корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларни ўз вақтида тўлаш имкониятлари чекланганлигини кўрсатади ва тўлов қийинчиликлари юзага келиш рискинни оширади.

**7-жадвал****“Шўрчидонмахсулотлари” АКнинг 2019–2024 йиллардаги ликвидлик  
кўрсаткичлари<sup>18</sup>**

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023	2024	Меъёр	Баҳо
Жорий (умумий) ликвидлик коэффиценти	1,135	1,263	1,269	1,525	1,049	1,072	2,0-2,5	Ёмонлашув билан меъёрдан паст
Тез (шошилиш) ликвидлик коэффиценти	0,292	0,389	0,221	0,275	0,231	0,231	≥ 1,0	Меъёрдан сезиларли даражада паст
Мутлақ ликвидлик коэффиценти	0,080	0,064	0,000	0,000	0,003	0,004	≥ 0,2	Жуда паст даража

Компаниянинг молиявий барқарорлиги капитал структурасида қарз маблағларининг устунлиги билан тавсифланади, бу эса бутун таҳлил даври мобайнида мустақиллик ва барқарорлик коэффицентларининг пасайиши орқали

<sup>17</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси. Манба: <https://shurchidon.uz/>

<sup>18</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси. Манба: <https://shurchidon.uz/>

тасдиқланади. Сўнгги йилларда ташқи манбаларга бўлган молиявий боғлиқлик танқидий даражаларга етди, бу эса корхонанинг ташқи ва бозор «шок»ларига нисбатан юқори даражада заифлик ҳолатда эканлигини кўрсатади (8-жадвал).

#### 8-жадвал

#### “Шўрчидонмахсулотлари” АКнинг 2019–2024 йиллардаги молиявий барқарорлик кўрсаткичлари<sup>19</sup>

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023	2024	Меъёр	Баҳо
Мустақиллик коэффициенти	0,272	0,287	0,396	0,387	0,160	0,164	$\geq 0,5$	Меъёрдан паст, қарз маблағларига юқори даражада боғлиқлик
Қарз ва ўз капитали ўртасидаги нисбат коэффициенти	2,673	2,479	1,523	1,582	5,250	5,081	$\leq 1$	Деярли бутун давр давомида меъёрдан юқори, айниқса 2023 йилда танқидий даражада
Молиявий барқарорлик коэффициенти	0,296	0,300	0,401	0,431	0,160	0,188	$\geq 0,6$	Кўрсаткич барқарор равишда меъёрдан паст, барқарорлик заиф
Ўз капитали маневрлик коэффициенти	-2,107	-2,075	-0,920	-1,242	-4,507	-4,295	0,2-0,5	Айрим оғишлар билан меъёр доирасида, мослашувчанлик ўртача
Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	0,140	0,194	0,207	0,294	0,047	0,040	$\geq 0,1$	Меъёрга мос, лекин салбий динамикага эга

«Шўрчидонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг ўз капитали маневрчанлик кўрсаткичи таҳлили молиявий аҳволнинг ниҳоятда қониқарсиз эканлигини кўрсатди. Барча йилларда кузатилган коэффициент манфий қийматга эга бўлиб, бу корхонанинг ўз айланма маблағлари йўқлигини ва жорий фаолиятни молиялаштириш учун қарз маблағларига юқори даражада боғлиқлигини кўрсатади. Коэффициент 2023 йилда энг критик қийматга етди (-4,507), бу жуда паст ликвидлик ва молиявий барқарорлик билан боғлиқ мумкин бўлган муаммоларни кўрсатади.

Маневрчанлик коэффициенти ва ўз маблағлари билан таъминланганлик вақтинча ижобий қийматларга эга бўлишига қарамасдан, умумий манзара қарз юкининг ўсиши баробарида барқарор ички манбалар улушининг камайиши кузатилаётган хавфли молиявий моделга ўтишни кўрсатмоқда. Корхонага узоқ муддатли барқарорлик ва тўлов қобилиятини тиклаш учун капиталлашувни

<sup>19</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси. Манба: <https://shurchidon.uz/>

стратегик кучайтириш ва қарз ҳисобига молиялаштиришни қайта структуралаш зарур.

«Шўрчидонмахсулотлари» АК захиралар билан таъминланганлик коэффицентларининг таҳлили корхонанинг молиявий барқарорлиги 2023 йилдан бошлаб жиддий ёмонлашганини кўрсатади (9-жадвал). 2019–2022 йилларда захираларни ўз айланма маблағлари ҳисобидан таъминлаш коэффиценти (COC) барқарор ўсишни намоён этиб, 2022 йилда 0,3725 даражасига етган ва захираларни ички ресурслар ҳисобидан шакллантиришда ижобий динамикани кўрсатган. Бироқ, 2023 ва 2024 йилларда бу кўрсаткич кескин пасайиб, танқидий даража – 0,06 дан паст кўрсаткичларга тушиб кетди. Бу эса захираларни ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш қобилиятининг деярли тўлиқ йўқолганини англатади. Худди шундай ҳолат захираларни ўз ва узоқ муддатли манбалар билан таъминлаш коэффиценти (CDOC) бўйича ҳам кузатилиб, қўшимча равишда узоқ муддатли молиялаштириш барқарорлигининг пасайганини тасдиқлайди. Захираларни барча манбалар ҳисобидан таъминлаш коэффиценти (КИ) таҳлил даврининг барча йилларида бирдан юқори бўлиб келган бўлса-да, 2022 йилдан бошлаб пасайиш тенденциясини намоён этмоқда. Бу эса қисқа муддатли қарз манбаларга бўлган қарамликнинг ортиб бораётганини кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолат айланма маблағлар етишмаслиги хавфини камайитириш ва логистик жараёнлар барқарорлигини таъминлаш учун ўз капитали ва узоқ муддатли молиялаштириш базасини мустаҳкамлаш зарурлигини англатади.

#### 9-жадвал

##### «Шўрчидонмахсулотлари» АКнинг 2019–2024 йиллар учун захираларни шакллантириш манбалари билан таъминланганлиги, млн. сўмда<sup>20</sup>

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Ўз айланма маблағлари кўрсаткичи (COC)	31 690,5	67 710,8	46 579,9	129 846,1	19 610,9	17 135,0
Ўз узоқ муддатли айланма маблағлари кўрсаткичи (CDOC)	38 119,1	72 774,5	47 853,8	151 850,2	19 610,9	28 380,4
Умумий айланма маблағлар (OOC)	226 841,2	349 346,7	225 562,6	440 911,8	419 235,8	423 749,9

Таҳлил қилинаётган бутун давр мобайнида қуйидаги мутаносибликлар кузатилди:

$$\Delta \text{COC} < 0, \Delta \text{CDOC} < 0, \Delta \text{OOC} > 0, \quad (1)$$


бу айланма активларни молиялаштиришда барқарор бўлмаган манбалар устунлигини кўрсатади. Келтирилган динамика «Шўрчидонмахсулотлари» АКнинг молиявий ҳолати таҳлил қилинаётган бутун давр мобайнида беқарор ҳолда сақланаётгани ҳақида хулоса чиқариш имконини беради (10-жадвал).

<sup>20</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси. Манба: <https://shurchidon.uz/>

**«Шўрчидонмахсулотлари» АКнинг 2019–2024 йилларда захираларнинг шакллантириш манбалари билан таъминланганлик коэффицентлари <sup>21</sup>**

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Ўз айланма маблағлари ортиқча/етишмаслиги	-124 185,1	-167 188,7	-97 263,8	-218 705,9	-300 250,6	-308 207,6
Узоқ муддатли айланма маблағлари ортиқча/етишмаслиги	-117 756,6	-162 125,0	-95 989,9	-196 701,8	-300 250,6	-296 962,2
Умумий айланма маблағлари ортиқча/етишмаслиги	70 965,6	114 447,2	81 718,9	92 359,8	99 374,3	98 407,3
Молиявий барқарорлик тури	Бекарор молиявий ҳолат					

«Шўрчидонмахсулотлари» АКнинг маҳсулот таннархи ва соф тушум динамикаси таҳлили (7-расм) даромадлар ва харажатлар орасидаги мусбат фарқ сақланган ҳолда ўсиш ва пасайишнинг ўхшаш тенденциялари мавжудлигини кўрсатади.



**7-расм. «Шўрчидонмахсулотлари» АКнинг 2019-2024 йиллардаги таннарх ва соф тушум кўрсаткичлари динамикаси, млрд. сўм<sup>22</sup>**

Молиявий натижалар нуктаи назаридан энг муваффақиятли йил 2022 йил бўлди – айнан шу йили корхона соф тушумнинг энг юқори ҳажмига эришди, таннарх нисбатан мўътадил даражада ўсди, бу эса фойданинг энг катта ҳажмини таъминлади. 2023 йилда тушум кескин камайди ва шу билан бирга таннарх ҳам пасайди, бу эса ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқариши ёки сотувлар структурасидаги ўзгаришлардан далолат бериши мумкин. 2024 йилда молиявий

<sup>21</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси. Манба: <https://shurchidon.uz/>

<sup>22</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси. Манба: <https://shurchidon.uz/>

кўрсаткичлар тиклана бошлади, бироқ тушум ва таннархнинг ўсиш суръатлари яқинлашди, бу эса рентабелликнинг пасайишига ишора қилиши мумкин.

«Шўрчидонмахсулотлари» АКнинг таҳлил қилинаётган даврдаги EBITDA ва соф фойда кўрсаткичлари динамикаси корхонанинг молиявий натижаларидаги беқарорликни акс эттиради. Энг юқори рентабеллик даражаси 2020 йилда кузатилган – айнан шу йилда ҳам EBITDA, ҳам соф фойда бутун таҳлил даврида энг юқори даражада бўлган. Бу ҳолат бозор конъюнктурасининг қулайлиги ёки харажатларни самарали бошқариш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Умумий тенденция корхонанинг операцион барқарорлигини мустаҳкамлаш ва харажатларни бошқариш самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатади.

«Шўрчидонмахсулотлари» АКнинг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили (11-жадвал) молиявий динамиканинг ўзгарувчанлигини кўрсатади, яъни ресурслардан фойдаланиш самарадорлигида ўсиш ва пасайиш даврлари навбатма-навбат кузатилган. Энг барқарор рентабеллик кўрсаткичлари 2019–2020 йилларга тўғри келади, бу пайтда корхона мўътадил даражада барқарор даромадлиликни намоён этган. Аммо 2021 йилдан бошлаб барча коэффицентлар, айниқса ROA ва ROE бўйича кескин ёмонлашув кузатилмоқда ва бу ҳолат харажатларнинг ўсиши ва соф фойданинг пасайиши билан боғлиқ.

#### 11-жадвал

#### «Шўрчидонмахсулотлари» АКнинг 2019-2024 йиллардаги рентабеллик кўрсаткичлари, % <sup>23</sup>

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Активлар рентабеллиги (ROA)	5,46	5,34	2,26	3,34	1,16	3,10
Ўз капиталининг рентабеллиги (ROE)	20,05	18,58	5,71	8,62	7,24	18,82
Сотув рентабеллиги (ROS)	6,01	6,54	1,91	3,64	1,63	3,67
Айланма активлар рентабеллиги (RCA)	6,45	6,04	2,97	3,85	1,32	3,56
Асосий воситалар рентабеллиги (ROFA)	35,43	46,00	9,46	25,38	9,76	23,95


Тадқиқот доирасида «Ўздонмахсулот» АК таркибига кирувчи учта корхона – «Шўрчидонмахсулотлари» АК, «Жиззахдонмахсулотлари» АК ва «Асакадонмахсулотлари» АК фаолиятининг қиёсий таҳлили амалга оширилди.

2019–2024 йиллар давомида «Жиззахдонмахсулотлари» АКнинг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили корхонанинг ички ва ташқи иқтисодий шароитларга юқори даражада сезувчанлигини ҳамда беқарорлигини намоён этди. 2019 йилда рентабеллик кўрсаткичлари манфий бўлиб, бу фаолиятнинг зарар билан яқунлангани ва ресурслардан самарасиз фойдаланилганини англатади. Айниқса, ROE ва ROFA кўрсаткичлари танқидий даражада бўлиб, ўз капитали ва асосий воситаларни бошқаришда жиддий йўқотишлар мавжудлигини кўрсатади. Умуман олганда, динамика барқарор ўсиш модели мавжуд эмаслиги, фойданинг беқарорлиги ва активларни бошқариш самарадорлигининг етарли эмаслиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

«Асакадонмахсулотлари» АКнинг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили корхона молиявий самарадорлигининг барқарор эмаслигини, баъзи ҳолларда эса ижобий ўсиш динамикасининг қисқа муддатли намоён бўлишини кўрсатади.

<sup>23</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси. Манба: <https://shurchidon.uz/>

Умумий динамика корхонада ўсиш учун ички захиралар мавжудлигини англатади, бироқ бу захиралардан самарали фойдаланиш ҳозирча барқарор эмас. Рентабелликнинг барқарорлигини ошириш учун корхона харажатларни оптималлаштириш, капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва операцион фойда устидан назоратни кучайтириш чораларини кўриши керак.



**8-расм. «Шўрчидонмахсулотлари», «Асакадонмахсулотлари», «Жиззахдонмахсулотлари» акциядорлик компанияларининг 2019-2024 йиллардаги сотув рентабллиги кўрсаткичлари, %<sup>24</sup>**

2019–2024 йиллар давомида урта донни қайта ишлашга ихтисослашган акциядорлик компанияларининг сотув рентабеллиги динамикаси акс эттирилган 8-расмда кўрсаткичлардаги сезиларли тебранишлар соҳада молиявий натижаларнинг барқарор эмаслигини намоён этади. Энг барқарор траекторияни «Шўрчидонмахсулотлари» АЖ намоён этади. Гарчи 2021–2023 йилларда пасайиш кузатилган бўлса-да, 2024 йилга келиб рентабеллик тиклана бошлаган, бу эса ишлаб чиқаришни оптималлаштириш чоралари кўрилгани ёки маҳсулотни сотиш шартлари яхшилангани билан изоҳланади. «Асакадонмахсулотлари» АК ҳам унча юқори бўлмасада, ижобий ўсиш тенденциясини намоён этмоқда. «Жиззахдонмахсулотлари» АК энг ўзгарувчан динамикани кўрсатган. 2020 йилда рентабелликнинг кучли ўсишидан сўнг, 2023 йилга келиб у кескин пасайиб, ҳатто манфий кўрсаткичларгача тушиб кетган. Бу ҳолат юқори харажатлар, маҳсулотни сотишдаги муаммолар ёки бозордаги рақобатбардошликнинг пасайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Умуман олганда, таққослаш натижалари шундан далолат берадики, корхоналарга ишлаб чиқариш ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш,

<sup>24</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси. Манба: <https://shurchidon.uz/>, <https://jizzaxdon.uz/>, <https://orginfo.uz/organization/93ae3f1a8baf/>

шунингдек, фойдани барқарорлаштириш ва ташқи иқтисодий рискларга нисбатан сезувчанликни камайтиришга қаратилган узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш зарур.

Ўтказилган таҳлил натижалари молиявий кўрсаткичлар динамикаси ва умумий тармоқ тенденциялари асосида Ўзбекистондаги донни қайта ишловчи акциядорлик компанияларига хос бўлган асосий муаммоларни аниқлашга имкон берди (12-жадвал).

## 12-жадвал

### Ўзбекистондаги донни қайта ишлашга ихтисослашган акциядорлик компанияларининг асосий муаммолари <sup>25</sup>

Муаммо	Оқибатлар
Асосий воситаларнинг юқори даражада ескирганлиги ва уларни янгилашга сарфланаётган инвестицияларнинг чекланганлиги	Тармоқдаги кўплаб корхоналар эскирган ускуналарда фаолият юритмоқда, бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиши ва харажатларнинг ошишига олиб келмоқда.
Активлар структурасидаги номутаносиблик ва чекланган ликвидлик	Жорий активларнинг узоқ муддатли активларга нисбатан устунлиги, бир вақтнинг ўзида пул маблағларининг камайиши ва товар-моддий захираларнинг ортиши корхонанинг тўлов қобилияти заифлигини ва молиявий жиҳатдан етарлича мослашувчан эмаслигини кўрсатади.
Рентабеллик даражасининг пастлиги ва фойда беқарорлиги	Рентабеллик таҳлили кескин ўзгарувчанлиги ва баъзи ҳолатларда ҳатто манфий қийматларни намоён этаётганини кўрсатади, бу эса самарасиз нарх сиёсати ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари устидан назоратнинг заифлигини акс эттиради.
Мажбуриятлар тузилишида қисқа муддатли қарзлар устунлиги кузатилмоқда.	Мажбуриятларнинг асосий қисми жорий қарзларга тўғри келади, бу эса айланма маблағларга бўлган юқламани оширади ва ликвидлик рискларини кучайтиради.
Молиявий қўйилмалар етарлича диверсификация қилинмаган.	Корхоналарнинг асосий узоқ муддатли инвестициялари ўзаро боғлиқ хўжалик структураларида жамланган бўлиб, молиявий бозорлар ва инвестицияларнинг янги шакллари билан фаол иш олиб борилмаётгани маневрчанликни ва ўсиш салоҳиятини чекламоқда.
Номатериал активлар ва инновацион таркибий қисмни бошқаришда заифлик мавжуд.	Номатериал активларнинг амортизацияси ортиб бораётгани ва улар янгиланмаётгани технологик ҳамда интеллектуал капитал аҳамияти етарлича баҳоланмаётганини кўрсатади, бу эса корхоналарнинг инновациялар ва рақамлаштиришни жорий этиш қобилиятини пасайтиради.

Диссертациянинг «Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини молиявий таҳлил қилиш методологиясини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистонда хўжалик юритувчи субъект фаолиятини молиявий таҳлил қилишнинг институционал асослари ва муаммолари аниқланди, молиявий барқарорликни баҳолаш кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш йўналишлари таклиф этилди, шунингдек, хўжалик юритувчи субъект фаолиятини молиявий таҳлил қилиш методологиясини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

<sup>25</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси

Тадқиқот Ўзбекистонда молиявий таҳлиlining институционал асослари ҳали шаклланиш ва такомиллашиш босқичида эканлигини кўрсатди. Норматив ва методологик базанинг мавжудлигига қарамасдан, амалиётда бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда: методологик хилма-хиллик, маълумотларга кириш имконияти чекланганлиги, таҳлил билан бошқарув ўртасидаги боғлиқликнинг заифлиги, малакали мутахассислар етишмаслиги ва таҳлил жараёнларининг рақамлаштирилмаганлиги. Бу муаммоларни бартараф этиш учун қонунчиликни такомиллаштириш, профессионал компетенцияларни ривожлантириш, таҳлилий функцияларни автоматлаштиришни рағбатлантириш ва замонавий рақамли воситаларни жорий этишни ўз ичига олган тизимли ёндашув зарур.

Молиявий барқарорликни баҳолашда ахборотлилик даражасини ошириш мақсадида қуйидаги йўналишлар асосида кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш таклиф этилади:

- соф статик таҳлилдан ҳисобот даврлари орасида асосий коэффицентлар ўзгаришини баҳолашни кўзда тутадиган динамик ёндашувга ўтиш зарур;

- активлар сифатини ва структурасини акс эттирадиган кўрсаткичларни қарз юки ҳақидаги маълумотлар билан интеграция қилиш мақсадга мувофиқ;

- Altman Z-score, Springate, Taffler ва Бивер индекси каби халқаро ва таҳлилий моделлардан фойдаланиш орқали қўлланиладиган коэффицентлар рўйхатини кенгайтириш лозим;

- операцион ва молиявий цикллар таҳлилинини қўллаган ҳолда мажбуриятлар ва активларнинг вақт жиҳатини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга;

- корхона барқарорлигига макроиктисодий омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш зарур;

- таҳлил тизимида пул оқимлари асосида ҳисобланадиган коэффицентларни киритиш тавсия этилади.

Ўзбекистонда корхоналарнинг молиявий ҳолатини баҳолашда объективлик ва комплекслиликни ошириш мақсадида, тақдим этилган кўрсаткичлар тизими асосида муаллиф томонидан тўртинчи илмий янгилик сифатида такомиллаштирилган молиявий ҳолатнинг интеграл кўрсаткичи (МХИК) таклиф этилмоқда. Ушбу кўрсаткич иқтисодий самарадорлик ва ресурс салоҳиятининг асосий элементларини агрегациялаш орқали корхонанинг молиявий барқарорлигининг умумий манзарасини акс эттиради.

ЎЗДОНМАҲСУЛОТ тизимидаги дон саноати корхоналарининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда таклиф этилган молиявий ҳолатни баҳолаш услубиятини мослаштириш мақсадида, қуйидаги тармоқ хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим: ишлаб чиқаришда мавжуд мавсумийлик; моддий харажатлар улушининг юқорилиги (дон, ёқилғи-энергия ресурслари); айланма активлар (захиралар, тугалланмаган ишлаб чиқариш) хусусияти; давлат харидлари ва субсидияларига боғлиқлик (11-жадвал).

**Донни қайта ишлаш корхоналарининг молиявий ҳолатини комплекс  
баҳолаш учун мослаштирилган услубият<sup>26</sup>**

<b>Кўрсаткич</b>	<b>Формула (тармок учун мослаштирилган)</b>
Активлар рентабеллиги	Соф фойда / Барча активларнинг ўртача суммаси
Ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги	Сотишдан олинган фойда / (ускунанинг ўртача нархи + дон захиралари)
Захираларнинг айланивчанлик коэффициенти	Тушум / дон ва маҳсулотларнинг ўртача захиралари
Материаллар қайтими	Ишлаб чиқариш ҳажми ( қиймат ифодасида) / моддий харажатлар (шу жумладан дон, ун, электр энергияси)
Меҳнат унумдорлиги	Ишлаб чиқариш ҳажми / Ходимларнинг ўртача сони
Бандлик коэффициенти	Ўртача рўйхатдаги сони / Режалаштирилган сони
Асосий фондларни янгилаш коэффициенти	Ишга туширилган асосий воситалар қиймати / Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати
Мустақиллик коэффициенти	Ўз капитали / Баланс валютаси
Қайта ишлаш рентабеллиги	(Тушум - Таннарх) / Таннарх
Асосий активлар ўртача айланиш давомийлиги	(Ўртача айланма активлар × 365) / Тушум

Молиявий ҳолатнинг интеграл кўрсаткичи (МҲИК) ни қуйидаги формула асосида ҳисоблашни таклиф этамиз:

$$\text{ИПФС} = \sum_{i=1}^{10} w_i p_i \quad (1)$$

бунда:

$p_i$  -  $i$ -кўрсаткичнинг нормаллаштирилган қиймати;

$w_i$  -  $i$ -кўрсаткичнинг вазни (муҳимликни акс эттирувчи вазн коэффициентлари).

Бунда қуйидаги айният бажарилиши лозим:

$$\sum w_i = 1 \quad (2)$$

Вазн коэффициентларини ( $p_i$ ) соҳага хос хусусиятлар, баҳолаш устуворликлари ҳамда эксперт баҳолаш усули (АНР-таҳлил – Томас Саатининг таҳлилий иерархия усули) асосида танлашни таклиф қиламиз.

Кўрсаткичларни нормаллаштириш уларнинг қийматига қараб (3) ва (4) формулалар асосида амалга оширилади. «Қиймат қанча юқори бўлса – шунча яхши» бўлган барча коэффициентлар (масалан, рентабеллик ва ҳ.к.) учун қуйидаги формула қўлланилади:

$$p_i = (x_i - x_{\min}) / (x_{\max} - x_{\min}) \quad (3)$$

Тескари кўрсаткичлар (айланма давомийлиги ва бошқалар) учун формула инверт қилинади, яъни қуйидаги формула қўлланилади:

$$p_i = (x_{\max} - x_i) / (x_{\max} - x_{\min}) \quad (4)$$

Якуний формула (вазн коэффициентлари қўлланган ҳолда) қуйидагича кўринишга эга:

$$\text{ИПФС} = 0,15p_1 + 0,10p_2 + 0,10p_3 + 0,10p_4 + 0,10p_5 + 0,05p_6 + 0,10p_7 + 0,10p_8 + 0,10p_9 + 0,10p_{10} \quad (5)$$

12-жадвалда натижа талқини тақдим этилган.

<sup>26</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси.

МҲИК ҳисоблаш натижалари талқини<sup>27</sup>

МҲИК қиймати	Корхонанинг молиявий ҳолати ҳақида хулоса
$M_{\text{ИК}} > 0,75$	Барқарор молиявий ҳолат
$0,5 < M_{\text{ИК}} \leq 0,75$	Барқарор, қониқарли ҳолат
$0,3 < M_{\text{ИК}} \leq 0,5$	Рискли, шошилиш чоралар кўришни талаб қиладиган ҳолат
$M_{\text{ИК}} \leq 0,3$	Қониқарсиз ҳолат, банкрот хавфи мавжуд


Ушбу усулнинг фарқлари ва афзалликлари қаторига унинг комплекслиги (кўплаб асосий молиявий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳисобга олинади), мослашувчанлиги (коэффициентлар тармоқнинг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилган), талқин қилиш осонлиги (якуний индекс 0 дан 1 гача (ёки масштаблашда 0 дан 100 гача) корхоналарни бир-бири билан таққослаш имконини беради), Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилганлиги (ташқи қўллаб-қувватлаш таъсири, давлат дастурларида иштирок этиш, инвестициялар очиклиги каби омилларни ўз ичига олади) киритиш лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий таҳлилни амалга ошириш бўйича мавжуд ёндашувларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолларда таҳлил ҳали ҳам горизонтал, вертикал ва коэффициентли таҳлил каби стандарт усулларга асосланади. Гарчи ушбу усуллар муҳим воситалар бўлиб қолса-да, уларнинг қамрови торлиги, ҳисобот (ретроспектив) маълумотларига қараб баҳолаш ва ташқи омилларга нисбатан сезгирликнинг пастлиги каби бир қатор чекловлар мавжуд. Бундан ташқари, тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари, бизнес кўлами ва корхонада рақамли технологияларни жорий этиш даражаси ҳисобга олинмаган расмий ёндашув таҳлилий ва бошқарув қийматининг пасайишига олиб келади.

Бешинчи илмий янгилик сифатида корхонанинг барқарор ривожланишини комплекс баҳолашнинг микдорий кўрсаткичлар (молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар) ҳамда сифат кўрсаткичларини (бошқарув, стратегик йўналишлар ва ESG-га йўналтирилган баҳолаш) ўзаро интеграция қиладиган алгоритми таклиф этилди (9-расм).

Шу тариқа, молиявий таҳлил методологиясини такомиллаштириш – хўжалик юритувчи субъект бошқаруви самарадорлигини оширишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Ҳозирги шароитда таҳлил фақатгина ҳолатни қайд этувчи восита эмас, балки стратегик қарорлар қабул қилишнинг асоси, рискларни баҳолаш, ҳамда барқарор ривожланиш манбаи бўлиши керак. Янгиланган, комплексли ва рақамлаштиришга йўналтирилган методологияни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали корхоналарда шаффофлик, бошқарувчанлик ва мослашувчанлик даражаси юқори бўлади ҳамда тез ўзгараётган иқтисодиёт шароитида барқарор ривожланиш таъминланади.

<sup>27</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси.



**9-расм. Корхонанинг барқарор ривожланишини комплексли баҳолаш алгоритми<sup>28</sup>**

Молиявий таҳлил методологияси комплекслилик, рақамлаштириш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тармоқ ҳамда миқёс хусусиятларига мослашув томон йўналтирилган трансформацияни талаб этади. Бошқарув самарадорлигини ошириш учун анъанавий таҳлил усуллари стратегик ёндашувлар билан интеграция қилиш, жумладан, моделлаштириш, прогнозлаш ва сценарийли таҳлил каби усуллардан фойдаланиш зарур. Рақамли иқтисодиёт шароитида таҳлил жараёнларини автоматлаштириш ва BI-воситалардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади, бу эса бошқарув қарорларининг ўз вақтида ва аниқ қабул қилинишини таъминлайди. Замонавий молиявий таҳлил стратегик ва бюджет бошқаруви тизимига интеграциялашган бўлиши, KPI тизими билан тўлдирилиши ва бизнеснинг барқарорлиги, рентабеллиги ҳамда

<sup>28</sup> Муаллифнинг мустақил ишланмаси.

инвестициявий жозибадорлигини баҳолашда асос бўлиб хизмат қилиши керак. Шу билан бирга, таҳлилий маданиятни ошириш, ходимларни мунтазам ўқитиш ва ички таҳлилий инфратузилмани ривожлантириш – такомиллаштирилган методологияни амалиётга самарали татбиқ этишнинг асосий омиллари саналади.

## ХУЛОСА

Диссертацион тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги хулосалар ва таклифлар берилди:

1. Молиявий таҳлилни ўтказишда халқаро тажрибаларни ўрганиш таҳлил усулларидаги умумий қонуниятлар ҳамда ҳар бир мамлакатга хос миллий хусусиятларни аниқлаш имконини берди. Ривожланган иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар амалиётида молиявий таҳлил юқори даражада стандартлаштириш ҳамда рақамли технологияларни кенг қўллаш ва корпоратив бошқарув жараёнларига чуқур интеграциялашув билан ажралиб туради.

2. Хорижий мамлакатларда молиявий таҳлил тамойиллари ҳисоботнинг ошкоралиги, кўп босқичли кўрсаткичлар тизими ва прогнозлаш моделларидан фойдаланишга асосланган. Молиявий ҳисоботни тузишдаги ёндашувларда (горизонтал ва вертикал шакллар, харажатлар ва даромадларни таснифлаш хусусиятлари) кузатиладиган фарқлар, асосан, миллий ҳисоб стандартлари ҳамда халқаро молиявий муҳитга интеграция даражаси билан боғлиқ. Шу билан бирга, таҳлилнинг кўрсатишича, мавжуд фарқларга қарамай, барча мамлакатларда молиявий таҳлилнинг асосий мақсади ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ҳолис баҳолаш ва корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашдан иборат.

3. Умуман олганда, тадқиқот шуни тасдиқладики, анъанавий молиявий таҳлил услубиятлари стратегик, рискга йўналтирилган ва хулқ-атвор таҳлили элементларини ўз ичига олган комплексли диагностика йўналишида модернизация қилишни тақозо этади.

4. Турли молиявий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни талқин қилишга йўналтирилган тизимли ёндашув ҳўжалик юритувчи субъектнинг ҳолати ва ривожланиш истикболларини аниқроқ ва мақсадга мувофиқ баҳолаш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, ўзгариб бораётган иқтисодиёт шароитида корхона фаолиятининг молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини бошқаришга қаратилган мослашувчан моделни яратиш учун зарурий шарт-шароитларни яратади.

5. Олиб борилган тадқиқот ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий таҳлил методологиясини такомиллаштириш масалаларига тизимли ёндашиш имконини берди, айниқса, Ўзбекистондаги ўтиш даври иқтисодиёти шароитида. Институционал жиҳатларни ўрганиш ва амалий муаммоларни аниқлаш асосида корхоналарнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш бўйича мавжуд ёндашувларни модернизация қилиш зарурлиги асослаб берилди.

6. Таҳлил шуни кўрсатдики, республикада молиявий таҳлилнинг методологик асослари ҳанузгача тарқоқ ҳолда сақланиб келмоқда, бу халқаро стандартлар миллий хусусиятларга етарлича мослаштирилмагани билан боғлиқ. Айниқса,

асосий коэффициентларни талқин қилишдаги ёндашувларни бирхиллаштириш ва уларни бошқарув қарорларига интеграция қилиш масаласи долзарбдир.

7. Мавжуд услубиятлардан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тўсиқлар, жумладан: ҳисоботларни рақамлаштириш даражасининг пастлиги, таҳлилий базанинг етарли эмаслиги ва молиявий таҳлил соҳасида кадрлар тайёргарлигининг етарли эмаслиги аниқланди.

8. Тармоққа хос хусусиятлар ва корхона бизнес-моделининг характерини инобатга олган ҳолда, молиявий барқарорликни комплексли баҳолашга қаратилган такомиллаштирилган кўрсаткичлар тизими таклиф этилди. Интеграл барқарорлик индекси, ўзини-ўзи молиялаштириш коэффициенти, активларнинг кенгайтирилган рентабеллиги, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни бошқариш кўрсаткичлари каби қўшимча таҳлилий коэффициентларни жорий этишнинг зарурлиги асослаб берилди. Такомиллаштирилган модел хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хатарлари тўғрисидаги илк белгиларни аниқлашга ҳамда унинг ҳолатини аниқроқ ташхислашга хизмат қилади.

9. Олинган натижалар асосида тизимли молиявий таҳлил учун яхлит методологик платформани шакллантиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Такдим этилган таклифлар қаторида кўп босқичли таҳлил усулини жорий этиш, мослаштирилган коэффициентли моделлар асосида прогноз қилиш салоҳиятини кучайтириш, молиявий хатарларни ички мониторинг қилиш тизимини ривожлантириш кабилар мавжуд.

10. Таҳлилнинг аниқлиги ва тезкорлигини ошириш мақсадида рақамли воситалардан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек, қайта ишлаш саноати каби иқтисодиётнинг асосий тармоқлари учун соҳавий услубий тавсияларни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/10.12.2019.I.16.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**САГДИЛЛАЕВА ЗУЛЬФИЯ АСАНАЛИЕВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ФИНАНСОВОГО  
АНАЛИЗА**

**08.00.08 – Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
**диссертации доктора экономических наук (DSc)**

**Ташкент – 2025**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии за номером B2019.2.DSc/Iqt191.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (tsue.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

**Научный консультант:** -

**Официальные оппоненты:** **Пардаев Мамаюнус Каршибаевич**  
доктор экономических наук, профессор

**Ибрагимов Абдугапур Каримович**  
доктор экономических наук, профессор

**Астанакулов Олим Таштемирович**  
доктор экономических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.11.2023.1.16.03 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном экономическом университете. (Адрес: 100000, город Ташкент, улица Амира Темура, д. 60А. Тел.: e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (регистрационный №\_\_\_). (Адрес: 100000, город Ташкент, улица Амира Темура, д.60А. Тел.: (99871) 234-53-34. e-mail: [kutubxona@tfi.uz](mailto:kutubxona@tfi.uz)).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года.

(реестр протокола рассылки №\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года.

**Т.З. Тешабаев**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.э.н., профессор

**Ж.Х. Атаниязов**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.э.н.,  
профессор

**И.Н. Кузиев**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, д.э.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора экономических наук (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В условиях стремительных изменений экономической среды, усиления конкуренции и роста неопределенности в деятельности хозяйствующих субъектов, значимость финансового анализа как инструмента обоснованного принятия управленческих решений возрастает многократно. Современные вызовы требуют не только оперативного получения достоверной информации о финансовом состоянии предприятий, но и ее глубокой аналитической интерпретации с учетом отраслевых, макроэкономических и цифровых трансформаций. В этой связи особую актуальность приобретает совершенствование методологии финансового анализа, направленное на повышение его аналитической и прогностической ценности, адаптацию к требованиям цифровой экономики и интеграцию современных инструментов анализа в практику управления финансовыми потоками и рисками.

Вопросами разработки и стандартизации методологии финансового анализа активно занимаются международные организации, такие как Международная федерация бухгалтеров (IFAC), Международные стандарты финансовой отчетности (IFRS Foundation), Комитет по международным стандартам аудита и Международный валютный фонд (МВФ). Благодаря внедрению единых методологических подходов к финансовому анализу, в странах, применяющих стандарты МСФО, отмечается повышение качества корпоративного управления: в частности, по данным исследования PwC, «компании, внедрившие стандартизированные методики анализа, в среднем повысили эффективность принятия управленческих решений на 28%, а точность прогнозирования финансовых потоков - на 34%»<sup>29</sup>. Кроме того, по данным Всемирного банка, «внедрение международных стандартов финансовой отчетности способствует снижению инвестиционных рисков, что подтверждается ростом прямых иностранных инвестиций в развивающихся странах на 15-20% в течение трёх лет после начала реформ»<sup>30</sup>.

Несмотря на признание важности финансового анализа как инструмента обеспечения устойчивости и прозрачности бизнеса, в Узбекистане его методология на уровне хозяйствующих субъектов остаётся слабо институционализированной. Основными проблемами являются отсутствие единого методического подхода, низкий уровень подготовки специалистов в области финансового анализа, а также ограниченное применение современных аналитических инструментов и цифровых платформ. Многие предприятия, особенно в секторе малого и среднего бизнеса, ограничиваются формальным анализом финансовой отчетности, не переходя к более глубокому анализу финансовой устойчивости, ликвидности и рентабельности. Кроме того, неразвитость внутренней аналитической инфраструктуры и слабая интеграция с

---

<sup>29</sup> По данным информационно-аналитического сайта <https://www.pwc.com/us/en/library.html>

<sup>30</sup> По данным Всемирного банка <https://data.worldbank.org/>

международными стандартами препятствуют формированию эффективной системы финансового мониторинга и принятия обоснованных управленческих решений. В соответствии со Стратегией развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы: «одним из важнейших приоритетных направлений развития Узбекистана является «создание условий для организации предпринимательской деятельности и формирования постоянных источников доходов населения, доведение доли частного сектора в валовом внутреннем продукте до 80 процентов, в экспорте - до 60 процентов»<sup>31</sup>. Все это подтверждает необходимость дальнейшего совершенствования методологии финансового анализа и обуславливает актуальность и значимость диссертационного исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Законе Республики Узбекистан от 11.12.2003 г. № 558-II «О частном предприятии», Указе Президента Республики Узбекистан от 27.10.2020 г. № УП-6096 «О мерах по ускоренному реформированию предприятий с участием государства и приватизации государственных активов», Указ Президента Республики Узбекистан от 14.11.2024 г. № УП-184 «О мерах по надежной защите прав и законных интересов предпринимателей» и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных исследований по теме диссертации.** Совершенствование методологии финансового анализа осуществляют ведущие мировые научно-исследовательские центры и высшие учебные заведения, в том числе: World Bank (USA), International Monetary Fund (USA), Stanford University (USA), Harvard University (USA), European Commission (Belgium), University of Oxford (Great Britain), London school of Economics (Great Britain), Ludwig-Maximilians-Universitat Munchen (Germany), Swiss Federal Institute of Technology (Switzerland), National University of Singapore (Singapore), Tsinghua University (China), Australian National University (Australia), The University of Tokyo (Japan), University of Toronto (Canada), Seoul National University (South Korea).

На основе проведенных зарубежных исследований по методологии оценки финансового анализа получен ряд научных и практических результатов, в частности: разработаны унифицированные модели оценки финансового состояния компаний с учетом отраслевой специфики (в частности, модель Альтмана для прогнозирования банкротства), внедрены системы финансовой диагностики, интегрированные в ERP-системы крупных корпораций, что позволило существенно сократить риски неплатежеспособности, а также обеспечено более точное прогнозирование денежных потоков, что

---

<sup>31</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28.01.2022 г. «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 гг.» <https://lex.uz/ru/docs/5841077>

способствовало повышению инвестиционной привлекательности предприятий. В ряде стран, таких как Германия, США, Япония и др. использование усовершенствованных методик анализа позволило значительно повысить эффективность управленческих решений и сократить объемы убыточных проектов за счет раннего выявления финансовых отклонений.

**Степень изученности проблемы.** Исследование проблем внедрения современных методов финансового анализа в Республике Узбекистан является сравнительно новым научным направлением, однако объективные основы возникновения и развития финансового анализа нашли отражение в научных разработках таких зарубежных ученых как Э.Хелферт, Л.А.Бернштейн, Ж.Ришар, С.Б.Барнгольц, А.Д.Шеремет, Н.Э.Бабичева, Н.П.Любушин, В.В.Ковалев, Zeynalli Elay Jalal, А.А.Егорова, Е.В.Долингер, Е.В.Зверева, М.А.Трегубов, В.Ю.Тюрина, З.И.Азиева, Е.А.Емец, А.Ю.Король, А.А.Владыкин, О.С.Чушинская и др.<sup>32</sup>.

Из отечественных ученых приоритетные направления методологии финансового анализа непосредственно или опосредованно исследовали М.К.Пардаев, О.Т.Астанакулов, М.Рахимов, Б.И.Исроилов, Б.П.Кличев,

---

